



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоконференция шаклида ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир Президент Мун Чже Ин ташаббуси билан ўтказилган бўлиб, бу гал унинг ишида Қозоғистон, Туркменистон ва Мўғулистон етакчилари ҳам иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалиши-нинг салбий оқибатларига қарши биргаликда курашиш ва саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари атрофича кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилишни алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти халқаро сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва минтақавий ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтди.

Хусусан, COVID-19 га қарши курашиш учун яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик зарурлиги қайд этилди.

Муҳим йўналишларда, шу жумладан, Корея компаниялари билан биргалик-

да ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш таклифи билдирилди.

Бундан ташқари, замонавий лабораториялар яратиш ва чегаралардаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш, юқори малакали врачларни тайёрлаш, тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш, минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогноزلантиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва "яшил" технологияларни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб билишни алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон келгуси йилда Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган "Яшил" тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этиши маълум қилинди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИККИНЧИ ХАЛҚАРО ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

**Муҳтарам Раис жаноблари!
Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!**

Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумининг барча иштирокчиларини қутлаш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Жаноби Олийларига коронавирус оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва шериклигимизни кенгайтириш масалаларига бағишланган ушбу муҳим тадбирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдираман.

Жаҳондаги мушкул вазият ва глобал инқироз шароитида айнан шундай кўп томонлама мулоқот янги хатар ва таҳдидларга самарали қарши туриш учун имконият яратиб, мамлакатларимиз барқарорлиги, фаровонлиги ва изчил тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Биз Ўзбекистонда Корея Республикаси Президентининг кенг Евроосиё маконида хавфсизлигини таъминлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган "Янги шимолий сиёсати"ни юксак баҳолаймиз.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим жиҳатлари ва ҳамкорлигимиз истиқболларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан. COVID-19 нинг глобал миқёсда тарқалиши минтақа давлатлари ўртасида яқин мувофиқлашув ва кенг халқаро ҳамкорлик бўлиши зарурлигини кўрсатди.

Кореялик ва бошқа шерикларимизни Ўзбекистонда ушбу касалликка қарши курашишда кўрсатилган кўмак учун миннатдорлик билдираман. Биргаликдаги ишларни қуйидаги йўналишларда давом эттиришни таклиф этаман:

— Корея компаниялари билан биргаликда ташкил этилаётган фармацевтика кластери негизда самарали вакцина ва зардоблар, касалликларни тез ва аниқ ташхислаш тизимларини ишлаб чиқиш;

— замонавий лабораториялар ташкил этиш ва чегараларимиздаги санитария назорати пунктларини модернизация қилиш;

— Корея Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида эпидемиолог ва вирусолог врачларни тайёрлаш;

— тиббий чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш;

— минтақада эпидемиологик вазиятни мониторинг қилиш ва барвақт прогноزلантиришнинг интеграциялашган тизимини жорий этиш.

Иккинчидан. Биз Корея Республикасини мамлакатимизга рақамли ва "яшил" технологиялар-

ни келтиришда асосий ҳамкорлардан бири деб биламиз.

Бугунги кунда Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистонда юқори технологик тармоқларда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Биз корейлик инвесторлар фаолиятини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва рағбатлантираемиз.

Шунингдек, Сеул шаҳрида бўлиб ўтадиган "Яшил" тараққиёт ва 2030 йилга қадар глобал мақсадлар учун шериклик халқаро саммитида фаол иштирок этишга тайёремиз.

Учинчидан. "Янги шимолий сиёсат"нинг изчил амалга оширилиши самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантиришнинг долзарб аҳамиятини кўрсатмоқда.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистралли ва "Ғарбий Европа — Ғарбий Хитой" йўлаги маршрутларини минтақамиздаги янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Бундай шароитда Корея яриморли Тинч океани минтақасини Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғлайдиган ғоятда муҳим коммуникация кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ушбу ноёб имкониятларни экспертлар даражада кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан. Шериклигимизни мустаҳкамлашда "Марказий Осиё — Корея Республикаси" форуми муҳим роль ўйнайди.

Унинг доирасида янги ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилмоқда, инвестициялар, инновациялар, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳамкорлигимизни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда Форум йиғилишини давлатларимиз ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилмоқда.

Ишончим комил, биргаликда "Марказий Осиё — Корея Республикаси" форумини устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришнинг таъсирчан механизмига айлантираемиз.

Бешинчидан. Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморлида мустаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қарайди.

Биз Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд яратиш борасида ноёб тажриба тўпладик. Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган тегишли шартнома иштирокчилар ўртасида мураккаб келишиш жараёнидан ўтиб, энг йирик ядровий

давлатларнинг зарур кафолатларини олган.

Бугунги кунда ушбу шартнома Марказий Осиёда ядровий хавфсизликни таъминлашнинг самарали сиёсий-ҳуқуқий механизми ҳисобланади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шеригидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик, савдо ва маданий алоқалар бир неча минг йиллик тарихга эга.

Дўстлигимиз халқларимизнинг ўхшаш мен-талитети, миллий қадрият ва анъаналарига асосланган.

Ўзбекистондаги кўп сонли корейс диаспораси бузилмас ришталаримизни мустаҳкамлаб турувчи муҳим омилдир.

Бу фуқароларимиз мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўлиб келмоқдалар.

Сўзим якунида яна бир бор ишонч билан айтмоқчиман: бугунги форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва равнақи йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беради.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 октябрь куни мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрик нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, ма-лакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

— Биз устозни отадай улуг деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва

ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган, — деди давлат раҳбари йиғилиш аввалида. — Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир.

Ҳар бир оила, ҳар бир бола ҳаёти мактаб билан боғлангани, бу масала давлатнинг, жамиятнинг энг муҳим иши экани таъкидланди.

— Ҳаммамиз азиз фарзандларимиз ҳаёти ва тақдирини ўқитувчи ва мураббийларга ишониб топшираемиз. Мана шундай бекиёс бойлик посбонлари, келажак

бунёдкорлари бўлган бу муътабар зотларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз керак, — деди Президент.

Йиғилишда бугунги модернизация жараёнлари, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани қайд этилди. Шу боис мактаб директорлари ва муаллимларга кўп нарсаси боғлиқ. Улар кишлоқ ва шаҳарларда таълим-тарбия, маданият ва маънавият тарқатадиган фидойи кишилардир. Мактаблар нафақат таълим маскани, балки маҳалланинг маданий, интеллектуал маркази бўлиши зарур.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий оққатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу

жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонучилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2021 йил 1 январдан:**
а) **2022 йил 1 январгача** бўлган муддатга **умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг** банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умум белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга кири-тилмаслиги тартиби жорий этилади;

Давоми 2-бетда

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Маълумки, мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президент фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат regulation.gov.uz порталига қўйилиб, барча ҳудудларда, маҳаллий кенгашларда ва мактаб жамоаларида ота-оналар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Фармон лойиҳасида таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, ақин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадлар қамраб олинган.

Жумладан, жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва макомини кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини тўлиқ қайта қўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва шуни рағбатлантириш, мактаб инфратузилмаси ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалаларнинг ечимлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ва эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги механизмлари киритилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юкмаси ва дарслар сонини қайта қўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга қорайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада Финляндия таърибаси мисол қилиб келтирилди. Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илгорлардан бири.

— Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлигига ушбу таъриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Янги методикани самарали йўлга қўйиш учун барча мактаб ўқитувчилари видеоалоқа орқали хорижий мутахассислар иштирокида ўқитилди. Энг муҳими, бу жараёнларга педагогика йўналишидаги университет ва институтлар ҳам жалб қилиниб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси ҳам янгиланади. Шунингдек, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича чет эллардаги илгор дарсликлар чуқур ўрганиб чиқилди.

Мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби ҳўжалик масалаларига ҳокимлар шахсан масъул экани эслатиб ўтилди. Шунингдек, олий ўқув юртига кира олмаган битирувчиларни муайян касб-ҳўнар ёки тадбиркорликка жалб этиш муҳим.

Шу боис келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва босқичма-босқич касбга йўналтириш амалиёти жорий қилиниши белгиланди. Ҳудуддаги саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари мактабларга бириктирилди. Ҳар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимлар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо берилди.

Рейтингда биринчи бешликка кирган мактаб директорларига маҳаллий бюджетдан устама тўланади. Ҳўсусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилди. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илгор ўқитувчиси

касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сўхатгоҳларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Шунингдек, фидойи педагоглар бошқа йўлар билан ҳам рағбатлантирилади.

Йиғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда педагоглар ҳар 5 йилда, раҳбар кадрлар эса ҳар 3 йилда малака оширмоқда. Лекин бу тўла қамров учун етарли эмас. Жорий йилда Сирдарё вилоятида 11 минг нафар мактаб ўқитувчиларининг барчаси синов тариқасида масофавий малака ошириш курслари билан қамраб олинмоқда.

Келгуси йили Бўхоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида малака ошириш бўйича массовадан ўқитиш ташкил этилади. Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олийгоҳ этиб белгиланади. Авлоний номидаги малака ошириш институти эса таълим муаммоларини чуқур ўрганадиган илмий-тадқиқот даргоҳи бўлади.

Ўқитувчилар тоифасини белгилаш тартибини ҳам тубдан қайта қўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 490 мингдан зиёд педагогларнинг 4 фоизи олий, 15 фоизи биринчи тоифага эга. 4 босқичдан иборат амалдаги аттестация тизимида қоғозбозлик ҳанузгача сақланиб қолган.

Шу боис мутасаддиларга тоифа бериш тартибини соддалаштириш, педагоглар билимини йил давомида баҳолаш имконини берувчи 2 босқичли тизимга ўтиш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир муаммо — таълим сифати пастилиги, моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишламаяпти. Масалан, Тошкент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси паст.

Мамлакатимизда хўсусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилаётгани боис келгуси йилдан эксперимент тариқасида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салохиятли талабгорларга ишончи бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Мактабларда замонавий бошқарувни жорий қилиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Энди мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Бундан асосий мақсад — мактабларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, директорлар ишига ноқўнуний аралашувлар ва кадрлар кўнимсизлигига барҳам бериш.

Мактаблар билим билан бирга тарбия, маънавият маскани ҳамдир. Давлатимиз раҳбари бу ишларга ҳудудларда яшаб, ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларни кенг жалб қилиш, мактабларнинг директор жамғармасидан ва маҳаллий бюджет маблағларидан улгарга ойлик маош тўлаш лозимлигини таъкидлади.

Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва қамровини ошириш, ҳар бир ҳудудда каммида биттадан нодавлат олий билим юрти ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

— Бугун қўриб чиқилган масалалар ҳаммадан, мактаб директоридан бошлаб Бош вазиргача бўлган барча бўғиндаги раҳбарлардан юксак масъулият ва юқори даражадаги жавобгарлигини талаб қилади. Бу — йиллар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси ақин 10-15 йилда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган қудратли манба, — деди Президент.

Парламент вакиллари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатларидан таълим тизимидаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳўссини ошириш, фармон қабул қилинган, ижросини назоратта олиш, ўз тажрибалари билан амалий ёрдам бериш сўралди.

Йиғилишда ҳокимлар, олий таълим муассасалари ректорлари, мактаб директорлари, педагоглар таълим-тарбия сифатини оширишга оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСКАРТИРИШ ВА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **25 фоиздан 13 фоизгача** пасайтирилади;

в) қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоизидан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳўқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилади. Бунда:

қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлайди, шунингдек, ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобга олинишини таъминлайди.

Белгилансинки, шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирда ҳодимларни ижтимоий ҳўйма қилишни назарда тутувчи қўнун ҳўжжатлари нормалари татбиқ этилади.

2. Қўйдагилар маълумот учун қабул қилинсин:

ҳўжалик юритувчи субъектларга корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга рухсат берилади, бироқ бунда электрон сўёт-фактуралар ёки онлайн-касса машиналарининг чеклари мажбурий равишда олиниши шарт;

2022 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилганки, унга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари қўнун ҳўжжатларида белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳўйма қилиш бўйича вакилни хабардор қилади;

сайёр солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳўйма қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда солиқ текширувларининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш, шунингдек, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширини кўзда тутган ҳолда солиқ текширувларини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. **Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия** (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда, **яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳудудий комиссиялар** (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан қўйдагилар **Махсус комиссиянинг асосий вазифаси** этиб белгилансин:

қўриб қилинаётган норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш; солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушулмаларини тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини “пулни ювиш”га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очикилик ва шаффофлиқни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳўссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш.

4. Жойларда қўйдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

тадбиркорларга фаолиятини қўнунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профилактика ишларини олиб бориш;

яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ноқўнуний олиб қилинган ёки контрафакт товарларни, шунингдек, иш ҳақини ҳўжжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарларни сотишга қарши курашиш;

биринчи навбатда акцизоти махсўлотларни ноқўнуний ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳўлатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олиш;

аввало қурилиш объектиларида ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш, шунингдек, иш ҳақини “қўнвертда” тўлаш ҳўлатларини аниқлаш ва бартараф этиш.

5. Ҳудудий комиссиялар:

икки ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос ҳўсўсиятларини ҳисобга олган ва масъул органлар ҳамда ташкилотларни белгиллаган ҳолда **“йўл хариталари”ни ишлаб чиқсин** ва қўтилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда уларни Махсус комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин;

ҳар чорақда яширин иқтисодиётга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича таклифларни Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимларига “йўл хариталари”да назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда ҳудудлар даражасида яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Махсус комиссия (Ж.Қўчқоров) 2021 йил 1 февралга қадар масъул вазирлик ва идораларнинг иши сифатли ташкил этилишини таъминлаб ҳамда бизнес ҳамжамияти, хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда **2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини** ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. **Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича “йўл харита”си** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича, шу жумладан “йўл харитаси”да кўзда тутилган чора-тадбирларга доир таклифлар муҳокама қилинишини таъминласин, шунингдек, ҳар ой эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб борсин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига “йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва ҳўнармандлар томонидан ҳамда умумий ошватлаиш пунктларида сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларнинг жорий этилишини таъминласин;

банкоматлар ва қўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоғини кенгайтирсин ва уларнинг сонини 10 минггача етказсин;

ҳалқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб қилган ҳолда, **нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегиясини** ишлаб чиқсин.

9. Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс эттирилган QR-код ёки физикал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган **экспериментни**, кўзда тутилган бюджет ажратмалари доирасида 2020 йилда республиканинг барча ҳудудларида **амалга ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Давлат солиқ кўмитаси:

а) бир ой муддатда шундай тартиб жорий қилсинки, унга мувофиқ, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш бўйича сайёр текширувлар солиқ тўловчилар кесимидаги чораклик режа-ҳадвал асосида амалга оширилиши мумкин ҳамда текширув натижалари ва улар бўйича солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари эълон қилиб борилади;

б) икки ой муддатда:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ маълумотларнинг автоматлаштирилган алмашинувига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат солиқ кўмитаси раисининг яширин иқтисодиётни қисқартириш масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси — чет эллик мутахассисини танлов асосида жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида сотилаётган товарлар ва хизматларни таснифлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлов терминаллари ва онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари тўғрисида **мунтазам равишда**, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб бориш.

11. Қўйдагилар Ҳисоб палатасининг қўшимча вазифалари сифатида белгилансин:

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш; ҳудудий комиссиялар томонидан 2021-2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган “йўл хариталари” амалга оширилишини назорат қилиш;

давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондидида (устав капиталидида) давлат улўши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат тизимлари жорий қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш;

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган қўнунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш.

12. Ҳисоб палатаси тузилмасида бошқарув ҳодимлари штат бирликлари доирасида Иқтисодиётда яширин айланмами камайтириш ва бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлаш шўъбаси ташкил этилсин.

13. Давлат солиқ кўмитаси 2021 йил 1 апрелгача 4-иловага мувофиқ реал вақт режимида қўшимча маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган идоралар апарат мажмуасини фойдаланишга топширсин.

14. Давлат солиқ кўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий

таъминот билан таъминлашни тезлаштириш ва бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 2020 йилда Давлат солиқ кўмитасига республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари ҳисобидан 100 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратсин.

Давлат солиқ кўмитаси ва Молия вазирлиги Марказни модернизация қилиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари ҳодимларининг малакасини ошириш учун Жаҳон банкининг имтиёзли кредитини жалб қилишни тезлаштирсин.

Марказни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб қилирадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар 2022 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Давлат солиқ кўмитасига, истисно тариқасида, Марказни жиҳозлаш учун ускуналарни, дастурий ва моддий-техник воситаларини лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан шартномалар (контрактлар) тузишга рухсат берилсин.

Давлат солиқ кўмитаси раиси Ш.Кудбиев зиммасига Марказни жиҳозлаш учун зарур ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар хариди жараёнининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлаш, харид жараёнлари натижаларини эълон қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

15. Тегишли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирлиги доирасида:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида — **Яширин иқтисодиётни таҳлил қилиш бошқармаси** ташкил этилсин, таҳлиллар ўтказиш ва яширин фаолият даражаси юқори бўлган иқтисодиёт соҳаларини аниқлаш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Давлат солиқ кўмитаси таркибида:

Солиқ назорати департаменти ташкил этилсин, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қўнунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ фирибгарлик схемаларини аниқлаш ва агрессив солиқ режалаштиришга қарши курашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб махсус таркибий бўлима ташкил этилсин, солиқ ҳўқуқбузарликларининг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи занжирын шакллантиришда контрагентлар риоя тасида ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

в) Молия вазирлигида — **яширин иқтисодиётни қисқартириш ишларини ташкил этиш бўлими** тузилсин, унга Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифалари ҳам юклансин.

16. **2020 йил 1 ноябрдан** давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ҳодимлари сони 1 154 штат бирлигига ёки 10 фоизга қисқартирилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 10 512 штат бирлиги, шу жумладан Давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида — 498 штат бирлиги этиб белгилансин.

17. **Қўйдагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси **марказий аппаратининг тузилмаси** 5-иловага мувофиқ;

Ийрик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Самарали минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Бу борада сўз юритилганда, аввало, Транссибирь магистралли ва “Ғарбий Европа — Ғарбий Хитой” йўлаги маршрутларини минтақамизда янги темир йўллар қуриш лойиҳалари билан ўзаро боғлаш зарурлигини қайд этиш лозим.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ушбу ноёб лойиҳаларни амалга ошириш масаласини экспертлар даражасида кўриб чиқишни бошлаш таклифини илгари сурди.

“Марказий Осиё — Корея Республикаси” фо-

руми доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу формат доирасидаги шерикликни янги, янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда форум йиғилишини ҳукумат раҳбарлари иштирокида ўтказишга объектив зарурат сезилаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чже Иннинг Корея яриморилидаги мустаҳкам тинчликка эришиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга муҳим ҳисса сифатида қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади.

Кенг тажриба алмашиш мақсадида Ядровий қуролсизланиш, ядровий қуролдан холи ҳудудлар яратиш масалалари бўйича халқаро экспертлик форумини ўтказиш таклиф этилди.

Нутқини яқунлар экан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Жанубий Корея алоҳида аҳамиятга эга, ишончли стратегик шериклар эканини, муносабатларимиз бир неча минг йиллик тарихга эгалигини таъкидлади. Ушбу форум мамлакатларимизнинг узоқ муддатли ва серқирра ҳамкорлигини бутун минтақа тинчлиги ва раванки йўлида ривожлантириш учун янги истиқболлар очиб беришига ишонч билдирди.

Шунингдек, тадбир дастурига мувофиқ форумда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов нутқ сўзладилар, Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулғанинг мурожаати ўқиб эшиттирилди.

ЎЗА

Интервью



МАКТАБДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ЎЗГАРМАСА,

таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли модернизация жараёнлари, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактабларда берилаётган таълимнинг сифати ва самарадорлигига, янги авлод кадрларини тайёрлашга қаратилган эътиборга боғлиқлиги кун сайин ўз исботини топомқда.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу фикрлар яна бир бор таъкидланди. Ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, халқ таъли-

ми ходимларининг нуфузини ошириш ва уларни муносиб рағбатлантириш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқ ва вазифалар берилди. Мухбиримиз йиғилиш иштирокчиларининг давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, берилган топшириқлар юзасидан таассуротлари билан қизиқди.



Шерзод ШЕРМАТОВ, халқ таълими вазири:

— Пандемия туфайли дунёда глобал иқтисодий инқироз кузатилаётганига қарамай, давлатимиз раҳбари мактаб таълимини ривожлантиришга етарлича вақт ҳам, ресурс ҳам ажратяпти. Чунки олди-

мизда Учинчи Ренессансининг пойдеворини қўйишдек муҳим тарихий вазифа турибди. Шу боис, бугунги йиғилишда Президентимиз мутасаддилар олдида “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган ғоя асосида мактаб таълимини ривожлантириш масаласини умуммиллий ҳаракат даражасига кўтариш, ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш вазифасини қўйди.

Бундан буён халқ таълими ходимлари бор диққат-эътиборини ўқитиш сифатига қаратиши бўйича ҳам тегишли топшириқларни олдик. Бу вазифаларни бажариш учун “Таълим сифати нима билан ўлчанади?”, “Методикамиз қандай бўлиши керак?” деган саволлар устида бош қотиришимиз зарур.

Финляндия ўқитиш методикаси дунёдаги энг яхши ва самарали методикалардан бири сифатида эътироф этилади. Давлатимиз раҳбари

шу бўйича алоҳида ишчи гуруҳ тузиб, Финляндия методикасини тулиқ ўрганиб келиш вазифасини ҳам берди. Албатта, бу давлатнинг ўқитиш методикасини ўрганиб келиб, унинг асосида ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастурига тегишли ўзгаришлар киритилади.

Йиғилишда кўтарилган асосий масалалардан яна бири — педагоглар малакасини ошириш бўлди. Бу бўйича Тошкент давлат педагогика университети асосий таянч муассаса сифатида танланиб, республика миёнасидаги қолган барча педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг ўқитувчилар малакасини ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши белгиланди. Бундан ташқари, бошқа йирик университетлар олдида физика, математика, кимё, биология ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этиш

вазифаси қўйилди.

Бугун халқ таълими ходимларини қувонтирадиган яна бир хушxabарни олдик. Давлатимиз раҳбари кўрсатмасига биноан, энди туман халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илғор ўқитувчисига касаба уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сихаттоҳларга икки ҳафталик бепул йўлланма берилади. Ўйлаيمانки, бундай эътибордан кейин ўқитувчиларнинг ўз ишига меҳри ҳам, садоқати ҳам умуман бошқача бўлади.

Йиғилиш давомида Президентимиз бир неча марта мактаб таълимига эътибор энг асосий, муҳим масала эканини қабул қилишимиз зарурлигини, ҳамма ўзгариши кераклигини, шундагина ўқитиш тизими ўзгаришини таъкидлади.



Авазжон МАРАҲИМОВ, Ўзбекистон Миллий университети ректори:

— Бугун мактаблардаги таълим тизими ҳақида гап борса, улардаги аҳвол қандай, болаларимизни ким ўқитяпти, таълим бераётган ўқитувчиларнинг ўзи қандай билим, савия ва малакага эга, деган саволлар кўпчилигимизни қийнайди. Бу саволларга жавоб излашдан олдин муаллимларнинг малакасини оширишга ким жавобгарлиги, бу борада қандай ишларни бажаришимиз лозимлигини анигла олишимиз керак.

Биз олий ўқув юрларида талабаларни, олимларни тайёрляпмиз. Аммо бирортамаиз мактабларга кириб бордикми? Бугун давлатимиз раҳбари ана шу масалага алоҳида урғу бериб, бу борада олий таълим муассасалари ишини ҳам таҳлилий танқид қилди. Ҳақиқатан, университетда ўтириб, “Абитуриентларнинг билими паст, талабга жавоб бермайди”, деб нолиймиз, бироқ ўзимизга “Мактабга кириб бордикми?” деган саволни бермаймиз.

Йиғилишда таълим сифати, моддий-техника базаси етарли бўлмагани сабабли айрим мактаблар тўлиқ қувватда ишламаётгани, масалан, Тошкент шаҳридаги 32 та мактабда ўқувчиларни қамраб олиш даражаси пастлиги муаммоси қайд этилди. Келгуси йилдан эксперимент тарихида кам қувватда ишлаётган мактабларни танлов асосида салоҳиятли талабгорларга ишончли бошқарувга бериш таклифи билдирилди.

Шу фикр-мулоҳазалардан ўзим учун бир қанча хулосалар чиқардим. Аввало, мактабларда болаларга билим бераётган ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қандай ҳисса қўшидик, деган саволдан сергакландим. Ҳар биримиз мактабга кириб борадиган вақт аллақачон келганини англадим.

Бугун энг қолоқ мактаблар қаторида қайд этилган 119-умумтаълим муассасасини Миллий университет жамоаси ўз оталиғига оладиган бўлди. Биз ишни, аввало, профессор-ўқитувчиларимиз билан биргаликда ана шу мактабга бориш, муаллимларнинг малакасини оширишдан бошлашга қарор қилдик. Қолаверса, мактабда тизимли ишлар олиб бориш орқали уни илмий-методик марказга айлантириш, қисқа вақт ичида таълим сифатини ошириб, қолоқ мактабдан энг намунали таълим даргоҳига айлантиришни олдимизга мақсад қилиб олдик.



Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Тошкент давлат техника университети ректори:

— Йиғилишда дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз умумтаълим мактабларида жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини

ишлаб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, янги методикани самарали йўлга қўйиш учун барча мактаб ўқитувчилари видеоалоқа орқали хорижий мутахассислар иштирокида ўқитилиши айтиб ўтилди. Энг муҳими, бу жараёнларга педагогика йўналишидаги университет ва институтлар ҳам жалб қилиниб, педагог кадрлар тайёрлаш методикаси ҳам янгиланади. Шунингдек, математика, физика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича чет эллардаги илғор дарсликлар чуқур ўрганиб чиқилади.

Мактаб таълимини олий таълим билан уйғунлаштириш жараёнида Тошкент давлат техника университетиغا Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг физика, математика, кимё ўқитувчилари малакасини ошириш вазифаси юқланди. Университетимиз зиммасидаги вазифаларни аъло даражада урдалаб, туман ёшларининг билимини юксалтириш, олий таълимга қамровини оширишдек эзгу ишга ҳисса қўшади.



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Термиз давлат университети ректори:

— Таълим-тарбия — бу ҳаёт-мамонт масаласи. Очигини айтиш керак, анча йиллар таълимда таназзул кузатилгани сир эмас. Бунинг сабаблари бор эди. Биргина мажбурий меҳнатни эспалик: ўша пайтлари шу кунларда ҳам пахтада бўлардик. Энг янчили ҳолатлардан бири шунки, 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни пахта далаларида нишонланар эди. Мантқи қани? Охириги 3-4 йилда мажбурий меҳнатга буткул барҳам



Ўзбекистон Президентининг Шимолий иқтисодий ҳамкорлик халқаро форумидаги нутқи Жанубий Кореянинг сиёсий ва ишбилармон доиралари томонидан юқори баҳоланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бугун Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумидаги нутқи тадбир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Корея Республикаси Президентининг Янги Шимолий ва Янги Жанубий сиёсат масалалари бўйича котиби Ё Хан Гу Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи, нутқнинг чуқур мазмуни ва унга қўрилган



пукта тайёргарлик, шу жумладан видеомурожаат ортсаҳнаси безакларини танлашда Ўзбекистон ва Жанубий Корея тарихий обидалари тасвирлари ишлатилгани унда катта таассурот қолдирганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президентининг нутқи жуда аниқ,

ишончли ва глобал миқёсдаги пандемия шароитида иқтисодий ривожланишнинг долзарб муаммолари ва замонавий тенденцияларни чуқур англашга асосланган, — деди Ё Хан Гу. — Корея Республикасида 2020 йил Президент Му Чжэ Ин томонидан “Янги шимолий сиёсат” йили, деб эълон қилинган. Ўзбекистон шу нуктага назардан мамлакатимизнинг асосий, устувор шериги ҳисобланади ва биз ўтаётган йил давомида ўзаро муносабатларда амалий натижаларга эришганимиздан хурсандмиз.

“Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми котибияти ижрочи директори Ким Сонг Ин “Фақат Ўзбекистон Президенти “Корея Республи-



каси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин шерикликка эътибор қаратди, форум йиғилишларини ҳукумат раҳбарлари иштирокида юқори даражада ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Биз бундан жуда хурсандмиз. Бу, сузсиз, мамлакатларимиз

ўртасидаги мазкур формат доирасидаги ҳамкорликда устувор дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга қўшимча туртки берди”, деб таъкидлади.

“Shindong Enercom” компанияси раиси Ким Юн Сик Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида қатнашиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг видеомурожаати билан танишиш имконига эга бўлганидан мамнунлигини изҳор қилди.

“Ўзбекистон раҳбарининг нутқи, қўтилганидек, ўзининг янги қилилиги ва янги ташаббуслари билан ажралиб турди. Уларнинг амалга оширилиши билан

нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади”, деди Ким Юн Сик. — Минтақадаги марказий давлат сифатида Ўзбекистон “Янги шимолий сиёсат” доирасидаги қўша лойиҳалар, хусусан транспорт ва логистика соҳасидаги режаларни ҳаётга татбиқ этилишидан манфаатдор бўлади, — деди “Shindong Enercom” компанияси раиси. — Ишонч билан айта оламани, Жанубий Кореянинг иқтисодийётни рақамлаштириш ва “яшил” ривожланиш бўйича тажрибасини жорий этиш Ўзбекистонга ўз санаотини жадал модернизация қилиш ва такомиллаштириш, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш суръатларини юксалтириш, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида

Ўзбекистон Президентининг дастурий нутқида илгари сурилган ташаббусларни амалиётга татбиқ этилиши дўст мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқалар, шу жумладан коронавирус пандемиясига қарши курашишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ҳосилдорликни оширишга имкон беради. Президент Шавкат Мирзиёев ўз видеомурожаатида айнан шу соҳаларга алоҳида эътибор қаратгани қувонарли ҳол.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарларининг видеомурожаатларида айтилган тезислар мазмун-моҳияти жиҳатидан ўхшашлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунда биз мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида ва яқин алоқаларни кўрмоқдамиз, бу Президентларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар шарофати билан амалга ошди. Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонни турли соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва МДҲ мамлакатлари бозорларига кириш учун улкан салоҳиятга эга бўлган муҳим мамлакат деб ҳисоблайди.

Жанубий Корея вакиллари Ўзбекистон раҳбарининг ушбу тадбирда шахсан иштирок этишини кутган эди. Бироқ коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият туфайли бунга амалга оширишнинг имконияти бўлмади. Ўзбекистон етакчиси Президент Мун Чже Иннинг форум иштирокчиларига видеомурожаат йўллаш бўйича таклифини қабул қилганидан миннатдоримиз. Дастуриламал мазмун ва чуқур аҳамиятга эга ушбу нутқ тадбир очилиш маросимининг энг муҳим қисмига айланди. Ўзбекистон Президенти форумнинг кейинги анжуманида шахсан иштирок этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги туртки беришига умид қиламиз.

“Жанубий Корея — Ўзбекистон” бизнес уюшмаси раисининг ўринбосари Ким Чанг Квон форумда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг видеомурожаатини мамнуният билан тинлаганини таъкидлади.

— Видеомурожаатда Жанубий Кореядаги Кванхвамун саройи ва Ўзбекистондаги Регистон майдони тасвирлари акс эттирилгани ўзаро муносабатларнинг тарихий илдизларидан далолат берди, — деди Ким Чанг Квон. — Ўзбекистон Президентининг дастурий нутқида илгари сурилган ташаббусларни амалиётга татбиқ этилиши дўст мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқалар, шу жумладан коронавирус пандемиясига қарши курашишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

“Дунё” АА, Сеул

Халқаро онлайн анжуман

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2020 йил 30 октябрда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг видеоконференцалоқа шаклида ўн бешинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Қозоғистон Республикаси раислигида ўтган халқаро тадбирда Ўзбекистон вакилларидан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, ШХТ умумий мафзаатлари ҳимоя қилишнинг самарали тизимидир. Минтақада яхши қўшничилик, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлигини таъминлашда ушбу нуфузли тузилма муҳим роль ўйнамоқда. Коронавирус пандемиясига қарши курашда ШХТга аъзо давлатларнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги янада аққол намоён бўлди. Давлатларимиз ўртасидаги бундай яқин ҳамкорлик жамиятдаги турли тузилма ва ташкилотлар, хусусан, Олий суд идоралари фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жамиятда адолат таъминлашнинг қарор топтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самаралари хусусида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очқиллиги ва шаффофлигини ҳамда



одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш борасида тизимли ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини намоён этувчи муҳим йўналишлардан бири маъмурий судлар фаолияти билан боғлиқ. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган маъмурий судлар зиммасига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришдек ғоятда муҳим ва масъулиятли вазифа юкланган. Улар томонидан охириги бир йил давомида ҳокимларнинг 2 мингдан ортиқ қарори ҳақиқий эмас деб топилгани фуқароларнинг давлат органларидан розилигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

— Мамлакат иқтисодиётида инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда инвес-

Президентимизнинг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

торларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш долзарб вазифадир, — дейди Олий суд судьяси Нодир Худоёров. — Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, Олий суд тузилмасида йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низо-ларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов тарки-би — инвестициявий таркиб тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига йирик ин-весторларнинг (20 миллион АҚШ дол-

ларидан ортиқ инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди. Инвестициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низоларни бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларида бир неча ойлаб сарсон бўлмасликларини таъминлайди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган бундай ислохотлар натижалари халқаро рейтинг ва индексларда алоҳида эътироф этилаётгани қувонарлиқдир. Жумладан, The World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилотининг “Қонун устуворлиги” индексида Ўзбекистон 2020 йил ҳолатига 128 мамлакат ичида 92-ўринни, шундан “Фуқаролик одил судлов” индикатори бўйича 72-ўринни, “Жиноий одил судлов” индикатори бўйича эса 66-ўринни эгаллади.

Халқаро онлайн анжуманда мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Томонлар бу йўналишда кўп томонлама ўзаро тажриба алмашишга тайёр эканини билдиришди.

Йиғилиш якуни бўйича қўшма баёнот қабул қилинди. Унда қайд этилишича, ШХТга аъзо давлатларнинг Олий судлари ўзаро ишончни, хавфсизлик, барқарорлик, жамиятда тинчлик-тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда ҳамкорлигини янада кенгайтиришга доимо тайёр. Бугунги кунда иқтисодий одил судловни модернизация қилиш, тиждорат низоларини ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш, инвесторларнинг суд ҳимояси қафолатларини кучайтириш, аинқиса, глобал иқтисодий инкироз шароитида биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Йиғилишда имзоланган якуний баёнотта мувофиқ, ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг навбатдаги йиғилиши 2021 йилда Қирғизистон Республикасида ўтказилади.

Ижтимоий ҳимоя



ҲАМ ИШЛИ, ҲАМ КАСБЛИ БЎЛИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИАТ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишга, нодавлат сектор имкониятларидан кенг фойдаланиш учун давлат ёрдамини бериш механизмининг жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касбга ўқитиш марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Айниқса, миграция масаласига алоҳида эътибор қаратилгани сабаб хорижда бормоқчи бўлган фуқароларга ҳуқуқлари муҳофазаланган иш жойлари тақлиф этилмоқда. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш, миграция масаласи бугунинг долзарб масалаларидандир.

Наманган вилоятида ҳам бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоятнинг Тўрақўрғон туманида касбга ўқитиш маркази иш бошлади. Марказда иш билан банд бўлмаган ёшлар, камбағал оилалар вакиллари ва хорижий давлатларга ишлаш учун бормоқчи бўлган фуқароларга талаб юқори бўлган турли касблар ўргатилмоқда.

— Айни пайтда вилоятнинг иккита туманида ана шундай марказлар ташкил этилди, — дейди Наманган вилояти Бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Динора Исҳоқова. — Бугун юртимизда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Мазкур марказларни ташкил этишдан асосий мақсад ана шундай оилалар вакиллари иш билан банд қилиш учун касбга тайёрлаш, тадбиркорликка жалб этишга қаратилган.

Марказда 12 турдаги касб-хунар йўналиши мавжуд. Энг асосийси, бу ерда қисқа муддатларда тил ўрганиш ва ўзи танлаган касбга эга бўлиш мумкин. — Мен агробизнес йўналиши бўйича қуёنчилик сир-асорларини ўрганиш, — дейди марказ ўқувчиси Муроджон Нурматов. — Шу пайтгача Россия, Қозоғистон каби давлатларда ишладим. Анчадан бери ўз бизнесимни йўлга қўймоқчи бўлиб юргандим. Мана энди давлатимизнинг биздай фуқароларга бўлган эътибори сабаб банкдан кредит олиб қуёнчилик билан шуғулланоқчиман. Лекин бу борада тажрибам йўқ. Касб-хунар марказида етарлича билимга эга бўлдим. Келажакда қуёнчиликдан даромад олиб ҳам оиламга, ҳам давлатимизга фойда келтиришимга ишонаман.

2 миллион 800 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Наманган вилоятида “темир дафтар”га киритилган оилалар сони 31 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Ўрганишлар жараёнида 154 минг аъзоси бўлган мазкур оилаларнинг 46 мингдан ортиқ аъзоси меҳнатга лаёқатли экани аниқланди. Утган давр мобайнида қўрилган чора-тадбирлар натижасида бандлиги таъминланган ва доимий даромад манбаи яратилгани муносабати билан сектор раҳбарларининг тавсияси

ҳамда оила бошлиғининг бу тўғрисидаги ёзма муносабати асосида халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг қарорига кўра 13 минг 849 та оила “темир дафтар”дан чиқарилиб, 42 минг киши тадбиркорлик, хунар-мандчилик, жамоат ишлари, ўзини ўзи банд қилиш, уй-жой қурилиши, қайта касбга ўқитиш орқали иш билан таъминланди.

Коронавирус пандемияси шароитида давлат ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад манбаи яратишнинг вақтинчалик тартиби ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳар бир сектор раҳбари ишчи гуруҳ билан билан бирга, “темир дафтар”га киритилган оилалар билан бирма-бир суҳбатлашган ҳолда уларнинг қайси меҳнат тури билан шуғулланиш истаги ва салоҳияти борлигини аниқлаб, йўналишлар бўйича гуруҳларга ажратди ва ҳозир ишга жойлаштиришга қўмаклашмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 30 июлдаги фармони билан вилоятда 9 минг 852 та эҳтиёжманд оила, уларнинг меҳнатга лаёқатли 6 минг 888 нафар ишсиз аъзоси янгидан “темир дафтар”га киритилди.

— Пандемия муносабати билан мамлакатимизда карантин чоралари кучайтирилган, эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш зарурати ошган вақтда Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “темир дафтар” давлат ёрдамини йўналтириш, ижтимоий барқарорлигини сақлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Толибжон Юсупов. — Айни пайтда вилоятда кам даромадли, эҳтиёжманд 20 минг 385 та оила, уларнинг меҳнатга лаёқатли 22 минг 630 нафар ишсиз аъзосини “темир дафтар”дан чиқариш бўйича секторлар томонидан барча чоралар кўрилмоқда.

Утган давр мобайнида коронавир-ус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш натижасида вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларга жами 91,9 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларининг тегишли қарори билан бюджет маблағлари ҳисобидан “Саховат ва кўмак” жамағармаси бўлимлари ҳисоб-варақларида 12 миллиард сўм маблағ шакллантирилди.

Ушбу маблағлар коронавир-ус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва яққа-ёлғиз қариялар, ўз даромадини йўқотган, вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларни пул маблағлари, қундалик истеъмол то-варлари, дори-дармон воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга йўналтирилади.

Шунингдек, куз-киш мавсумида моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилалар билан алоҳида ишлаш тизими яратилди ва ҳар бир ҳудуд сектор ке-симмида куз-киш мавсуми учун “темир дафтар” шакллантирилди.

Ана шу руйхатга киритилган 15 мингдан ортиқ оилани куз-киш да-врида қўллаб-қувватлаш мақсадида табиий газ, кўмир ва бошқа маҳсулот-ларга бўлган талаби ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Пресс-тур



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА ЛАБОРАТОРИЯ

Ўсимликлар карантини ва дала назоратида замонавий ёндашувни таъминлайди

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бир жараён бўлса, уларни экспортга тайёрлаш алоҳида муҳим босқич ҳисобланади. Бу борада хорижий давлатларнинг ўзига яраша қатъий талаблари бор. Айниқса, фитосанитария хавфсизлиги таъминланмаган маҳсулотларни ҳеч бир мамлакат бозори қабул қилмайди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан анъанавий чет эл бозорларидан ташқари Европа давлатларида ҳам ўз нуфузини мустаҳкамлашга интилаётган Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар 2017 йилда узоқ йиллар давомида янгиланмаган, атиги битта лабораторияда, эски ускуналар ёрдамида текширув ўтказиб келган Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, ташкилотни Ваизирлар Маҳкамаси таркибига киритиб, илмий-техник базасини мустаҳкамлашдан бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 мартдаги “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан жаҳон стандартларга мос, Марказий Осиёда ягона бўлган Ўсимликлар карантини мар-казий лабораторияси ташкил этилди.

— Марказий лабораторияни энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳасини амалга ошириш учун 2019 йилда АҚШдан махсус мутахассис тақлиф этилиб, 3 ой давомида ҳамкорликда иш олиб борилди, — дейди Ваизирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсим-ликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи Иброҳим Эргашев. — Аввалла-ри бизда мавжуд ускуналар билан ўсим-



Музаффар АБДУЛЛАЕВ оған суратлар.



ликларда учрайдиган вирус ва бактерияларни аниқлашнинг имкони бўлмаган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда жаҳонда улар ўсимлик ҳашароти ва зараркундалардан-да хавфлироқ саналмоқда. Лекин биз бугун лабораторияга ўрнатилган замонавий техникалар орқали ҳар қандай турдаги вирус ва бактерияларни текши-риб, аниқлаямиз. Инспекцияда 26 йил давомида 1 та карантин лабораториясида иш олиб борилган бўлса, ҳозирга келиб республикадаги экспортбон маҳсулотлар етиштирилаётган ҳудудларда 7 та мобил стационар, 15 та сайёр лаборатория ишга туширилди.

Дала назоратида аниқланган зарарку-налларга қарши кураш усуллари илмий асосланган ҳолда ўрганилади. Марказий аппаратнинг инновацион ва рақамли те-хнологияларни ривожлантириш бошқарма-сида жорий этилган электрон хариталар орқали инспекторлар зарарланган, тоза ҳамда назоратдаги ҳудудларни онлайн тарзда кузатиб боради. Бундай ҳудудлар электрон харитада қизил, сарик ва яшил ранг билан таснифланган.

— Зараркундалар аниқланган қизил ҳудудларда тезкор чора кўриш бўйича

тегишли бошқармаларга кўрсатмалар берилиб, илмий асосланган қарши кураш чоралари кўрилади, — деди Ўздавкаран-тин инспекцияси бошқарма бошлиғи Маҳ-муд Қодирий. — Жойларда ўрнатилган агрометеостанциялар ёрдамида ҳар бир тумандаги об-ҳаво маълумотлари, тип-роқнинг намлиги, таркиби асосида ўсим-лик, ҳашарот фенологияси ўрганилиб, мазкур далаларда зараркундаларнинг кўпайиш даражаси тахмин қилинади. Марказда ташкил этилган Е-фито авто-матлаштирилган ахборот тизимига эса ҳар бир ҳашарот кўриниши, қайси дара-жада учраши бўйича маълумотлар кири-тиб борилади. Мазкур тизим Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенциянинг Е-phyto тармоғига МДХ давлатлари орасида биринчилардан бў-либ улашиб, Россиянинг қишлоқ хўжалиги назорати электрон тизимига муваффа-қиятли интеграция қилинди.

Охириги 2,5 йил ичида Ўздавкарантин инспекцияси томонидан бериладиган сер-тификатлаш ва рухсат берувчи ҳужжатлар ҳам тўлиқ электрон тизимга ўтказилди. Авваллари 6 та ҳужжат тақдим этишга мажбур бўлган тадбиркорлар ҳозир дунё-

нинг исталган бурчагида туриб, биргина электрон ариза тўлдириш орқали қисқа муддатда зарур маълумотларни расмий-лаштиришга эришапти.

Жорий йил 13 октябр кўни Президентимизнинг “Ўсимликлар каран-тини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги қарори билан соҳада янги тизимни яратиш, бунда асосий эътиборни илм-фанга қаратиш белгиланди. Давла-тимиз раҳбарининг топиширигига кўра, Ўз-давкарантин инспекциясининг бир гуруҳ мутахассислари Чили, АҚШ, Австралида бўлиб, уларнинг бу борадаги тажрибаси-ни ўрганиб қайтди. Эндиликда марказни илмий-тадқиқот муассасасига айланти-риб, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида унинг филиалларини очиб каби мақсадлар кўзда тутилган. Зеро, инспекция фаолиятини янги босқичга кўтариш республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини зарар-кундалардан тозалаш, жойларда фито-санитар ҳимояни таъминлаш, асосийси, ҳосилдорлигини 10-15 фоиз ошириб, экс-порт бозорларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



Орифжон ЖЎРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Юрган — дарё. Шу боис, халқимиз таъбири билан айтганда, ҳаво алмаштириб, саёхатга чиқиш ҳам кони фойда. Табиат манзаралари, турфа феълли одамлар билан суҳбатлар инсон дунёқарашини кенгайтиради, руҳиятини тетиклаштиради, саломатлигини мустаҳкамлайди. Кейинги йилларда юртимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён Наманган вилоятида ҳам изчил давом этмоқда. Хусусан, Президентимиз жорий йил 26-27 июнь кунлари Наманганга ташрифи чоғида вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар билан танишиб, тегишли кўрсатмалар берган эди. Ўтган вақт мобайнида вилоятда бир қатор салмоқли ишлар бажарилди.

Бугун Наманган сайёҳларни ўзига мафтун этувчи ўзига хос ҳудудга айланган. Яхшии вилоятдаги бир қатор туристик масканлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берайлик. Вилоятда гастрономик туризм яхши ривожланган. Чуст шаҳридаги Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғига келган киши Чуст ошидан емай кетмайди. Косонсой мантиси, Норин ва Мингбулоқ балиғи Янгиқўрғоннинг Нанайидаги бешбармоқ яқин-йилроқ мамлакатларда ҳам машҳур. Наманган шаҳрида тангирда қосаи билан ёпиладиган сомса ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Учқўрғонда қулупнай, Тўрақўрғонда гилос, Чустнинг Ахчасида узум, Мингбулоқда тарвуз, Полда қовун сайли каби байрамларнинг мунтазам ўтказилиши ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғи 1932 йилда Чуст шаҳри икромия қўмитаси томонидан Мавлоно Лутфуллоҳ зиёратгоҳи ҳудудида ташкил этилган. Боғнинг фаолияти мавсумий, асосан, май-октябрь ойларида гавжум бўлади. Бир кунда 6-7 минг, йилга 250 минг кишига хизмат кўрсатади.

Истироҳат боғи ҳудуди 6,1 гектар майдондан иборат, 7 та кириш эшиги бор, улардан 4 таси заҳирада. Боғ марказида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ макбраси қайта таъмирланмоқда. Ўзбекистоннинг илк халқ ёзувчиси Мухаммадшариф Сўфизода ва шоир Чустий биости ёнига чустлик болалар шоири Зафар Диёр биости ўрнатилди. Боғнинг гарбий томонида жойлашган қўйоналар олдидagi сўрилар олиб ташланган, ўрнига миллий ганжкорлик усулидаги кенг ва муҳташам шийпонлар қурилиб, янги сўрилар билан тўлдирилди, атроф янада обод қилиниб, қўқаламзорлаштирилмоқда. Боғ ўртасида замонавий рангли-муслиқали фаввора барпо этилди. Тўққизта шифобахш булоқ жойлашган хиёбонда бетакрор, салқин иқлим борки, жазирама кунларда ҳам боғда ташқаридаги нисбатан 7 даража паст ҳарорат сақланади.

Онлайн кўргазма

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси мамлакатимизда экспорт фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмак бериб, чет элдан ҳамкорлар топиш орқали иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Жорий йилнинг 26-30 октябрь кунлари уюшма ҳамда Ҳиндистон импортерлар савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон — Ҳиндистон тадбиркорлик субъектлари ўртасида икки томонлама савдони шакллантириш" мавзuida бизнес форум ташкил этилди.

Кейинги йилларда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ишбилармон доираларининг биригаликдаги саъй-ҳаракатлари тўғрйли махсулот айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётти. Хусусан, ўзаро савдо айланмиси 2019



Тобора чирой очаётган файзли Биби она зиёратгоҳи қадимги Чуст шаҳри марказида жойлашган қалъа бўлган. Чуст тарихи бронза даврига, яъни эраимиздан аввалги икки мингинчи йилларга тўғри келади. Аниқроғи, Чуст 3700 йил олдин маданияти гуркираган шаҳар бўлган. Шаҳарнинг гоёта қадимий маданияти ривожланиши учун камида 300-400 йил керак бўлган бўлса, унинг ёши 4000 йилга бориб тақалиши илмий асосланган. Бу ЮНЕСКО томонидан "Чуст маданияти" номи билан рўйхатга олинган.

Биби она ўз даврининг илми ва табобатдан хабардор аёли ҳисобланган. Шу боис, Биби онага борсанг, дардинга шифо топсан ёки мушкулнинг ечилиши, дейишади.

Қадимий қалъада учта катта булоқ бўлиб, шифобахшлиги билан ном қозongan. Бу гўшадан зиёратчилар оёғи узилмаган ва ҳозир ҳам гавжум. Ҳудудда рамзий макбара, масжид ва меҳмонхона бунёд этилган. Майдондаги қайишма ишлари давом эттирилса, тепаликда бир олам тарих сирларга қўмилиб ётибди. Булоқларнинг шифобахшлиги ҳам ўз исботини топмоқда.

Ҳозир ҳудуддаги учта булоқ атрофи кўркам ҳолатга келтирилган. Намозхона, таҳоратхона, рамзий макбара, миллий айвон ва эсдалик буюмлар дўкони қурилган. Шунингдек, дов-дарахтларни янада кўпайтириш, ерларга майса сепиш, қурбонлик амаллари бажариладиган махсус жой ва сайёҳлар учун тамаддиҳона барпо қилиш режалаштирилган.

— Маълумотларга кўра, Биби она Х асрда яшаб ўтган. Унинг ҳаётида шу зиёратгоҳдаги булоққа ташланган. Ривоятларга кўра, шу-шу бу ерда йиғинлар бўлса ёки бемаъни сўзлар ишлатилса, булоқ ўз-ўзидан тошиб кетаверган. Бу ерлар улуг инсонларнинг ҳам қадами етган жой ҳисобланади. Амир Темур, Умаршайх Мирзонинг дам олиш маскани бўлган, — дейди чустлик тарихчи-журналист Мансур Инъом.

Наманганни Чуст дўпписи ва пичоғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар миллий-



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

лиги ва ўзига хос тарихи билан ажралиб туради.

Камарсада маҳалласининг Шарқ кўчасида яшовчи Аминовлар хонадони. Бу сулола дўппидўзлик билан шуғулланади. 70 ёшни қоралаган Юсуфжон ота ва Мавлудахон ая (сулоланинг тўртинчи вакили) ҳамда уларнинг фарзанд-набираларининг барча даромадлари шу ҳалол касб ва нафис ҳунармандлик орқасидан. Уйлари кўриб, дилинг яйрайди. Дўппи тикаётган аёлларнинг нозик ишларини кузатар эканмиз, нафис ҳаракатлар ва меҳр билан яратиладиган бош кийим эр йигитлару болаларга нима учун ярашишини яна бир қарра англадик. Қўли гул опалару қизлар ижодкорларга Чуст дўпписининг тикилиш жараёни, ундаги нақш ва гулларнинг тарихий мазмунга эғалиги тўғрисида гапириб беради.

— Бу кашталарнинг 20 дан ортиқ тури бор. Дўппилар тайёр бўлгунча кўп меҳнат талаб қилади. Бир киши тикса, яна бири қолипни тайёрлайди, ичига астарлик қилади ва ҳоказолар, — дейди дўппидўз Наргиза Раупова.

Айтишларича, битта дўппи нархи 30-35 минг сўмдан бошланиб, 700-800 минг сўмгача кўтарилиши мумкин экан. Бундай нархлар унинг нусхаси ва тайёрланиш жараёнининг қай даражада бўлганига боғлиқ.

Чуста келсангиз, ҳунарманд пичоқчилар сулоласининг еттинчи авлод вакиллари Мухаммаджон Абдурахимов ва Раҳимжон Убайдуллаевнинг оилавий устaxonасига ҳам кириб ўтинг. Бу ерда ҳар кун бoш уста назоратида ўғиллару набиралар сеvimли ота касби билан машғул. Мухаммаджон отанинг айтишича, Қўқон хони Амир Умархоннинг шамишини катта бобоси ясаган экан. Даста учун турли хайвонлар шохидан фойдаланиш алоҳида меҳнат талаб қиларкан. Темир қисми яхшилаб қиздирилиб, солига дид билан ишлов берилса, сўнг тарошланса, харидорга ёқиб қолади ва, албатта, пичоқни сотиб олади. Раҳимжон ака ўзаро мулоқотлар чоғида уй-музейидаги турли пичоқ ва қиличларини кўргазмага қўйди. Авваллари тайёрлаган махсулотларини яширинча савдога чиқаришгани, энди эса уларга барча имконияту имтиёзлар бери-

лаётгани, солиқлардан қўрқмай ишлаётгани, Ҳунармандлар маркази ташкил этилаётганидан мамнун эканини айтди.

Чуст пичоқлари қадимдан шаҳарнинг "ташриф қоғози" бўлиб келган.

— Битта пичоқни тайёрлаш учун бир кун ҳам, бир ҳафта ҳам кетиши мумкин. Табиий махсулотлардан фойдаланамиз. Масалан, қўйнинг илги, бугу шoхи ва бошқалар, — дейди Дўзанди маҳалласида яшовчи, дамашқи пичоқлари билан машҳур уста Мухаммаджон Абдурахимов.

Устанинг айтишича, битта пичоқ ўртача 70 минг сўмдан 200 минг сўмгача сотилади. Шу пайтга қадар пичоқлар Рига ва Москва шаҳарларига экспорт қилиб келинади. Бугунги кунда "ёрма", "бодомча", "чамандаста", "чумчуқ" ва "этик сопли" пичоқларни ясаб, Чуст ҳунармандчилиқ мактаби анъаналарининг машҳур бўлишига



имкон қадар ҳисса қўшиб келмоқда.

— Уста-шогирд мактабимиз бор. Бугунги кунда 30 таъна шогирдимизга пичоқчилик санъати сирларини ўргатамиз. Уларни 7 йил аввал, коллежи тугатиш билан шогирдликка олганмиз. Ҳозир туппа-тузук уста бўлган. Қўриб турган пичоқларингиз орасида ота-боболаримиз томонидан ясалган пичоқлар бор. Улар орасида 200 йиллик пичоқлар ҳам турибди. Биз, асосан, махсулотларни Россияга экспорт қиламиз. Хорижга чиқадиган пичоқларимиз нархи 100 долларгача бўлади, — дейди Раҳимжон Убайдуллаев. — Олдинлари 10-15 жил пичоқ ясаган бўлсак, бугун уларнинг тури юздан ошди. Пичоқларимизни Марказий Осиё, МДҲ ва Европа давлатларидан ҳам келиб олиб кетишяпти. Яқингача биз, ҳунармандлар ўзимизни тўлақонли кўрсатишимизга имконият ва шароитлар бўлмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳунармандлиқни ривожлантиришга қаратаётган алоҳида эътибори, бу борада қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар соҳа ривожига йўл очди.

Наманган шаҳридаги "Афсоналар водийси" маданият ва истироҳат боғи тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. Бу боғ Президентимиз кўрсатмаси асосида барпо қилинган. Давлатимиз раҳбари икки йил муқаддам ушбу боғ лойиҳаси билан танишиш мобайнида унга "Афсоналар водийси" номини беришни таклиф этган эди. Қисман ишга туширилган боғда айни вақтда замонавий талабар асосида қури-

Нанай қишлоғининг Сойбўйи маҳалласида қурилаётган "Диёр" дам олиш масканига тадбиркор томонидан 15 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Мазкур лойиҳа янги йил арафасида тўлиқ ишга туширилиши белгиланган. Бунинг натижасида қишлоқ ёшларидан 20 нафари иш ўрнига эга бўлади.

600 ишчи-ходим фаолият юритмоқда, — деди "Афсоналар водийси" маданият ва истироҳат боғи директори ўринбосари Иброҳим Маматқулов.

Чортоқ туманининг Балиқликўл қишлоғидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳини даставвал Биби Наима мажмуасидан бошлаганингиз маъқул. Тарихий масканда Султон Увайс онасининг макбраси мавжуд. Зиёратгоҳнинг сирли жиҳати шундаки, бу ерда иккита қайнар булоқ бўлиб, унинг бир томонида майда балиқлар кўпаяди. Катталашган эса булоқнинг нариги томонида ўтади.

Балиқликўл қишлоғи донғини бутун дунёга кўз-кўз қилаётган Султон Увайс Қараний мажмуаси кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси ва тавсияси асосида тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Маҳаллий ва хориқлик сайёҳлар ташрифини кўпайтириш мақсадида 40 ўринли замонавий меҳмонхона бунёд қилинди. Яқин ва олис ўтмишнинг нодир осори-атикалари сақланаётган музейда ҳажми жиҳадаги Усмон Мухсафидан кейин иккинчи ўринда турадиган Қуръоннинг қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

Янгиқўрғоннинг Нанай қишлоғи Қизилёзи маҳалласи ҳудудидаги "Унғор" дам олиш мажмуасидаги сокин қўл, мўъжаз музей ва сайёҳларни ташувчи автомобиль, тоғ бағрида ўйланган шаршара ва пейнтбол ўйини барчага манзур бўлади. Қолаверса, бу масканда альпинистлар учун сайёҳлик базаси ташкил этилмоқда, дор йўли лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. 2 миллиард сўмлик лойиҳанинг биринчи навбати шу йил май ойида фойдаланишга топширилди. Лойиҳа тўлиқ ишга тушганидан кейин йилга 15 минг кишига хизмат кўрсата олади.

Нанай қишлоғининг Сойбўйи маҳалласида қурилаётган "Диёр" дам олиш масканига тадбиркор томонидан 15 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Мазкур лойиҳа янги йил арафасида тўлиқ ишга туширилиши белгиланган. Бунинг натижасида қишлоқ ёшларидан 20 нафари иш ўрнига эга бўлади.

— Бугун Наманганда туризм соҳаси ривожланиш босқичига чиқмоқда, салоҳият юқори. Икки тоғ тизмаси кесилиши пойида жойлашган, табиий-геологик жиҳатдан улкан имкониятларга эга бўлган вилоятда табиат инъомларини асраган ҳолда улардан самарали фойдаланиб, туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Муҳими, келгусида эко, гастрономик, тиббий ва маданият туризми каби йўналишлар бўйича пухта замин яратилмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Лола Раҳмонбоева.

Ҳа, Наманган олам-олам таассуротлар манзили. Табиатидан тортиб инсонларига-ча фақат табиийлиқни ҳис қиласиз. Ҳамма кўрганига ишонди. Сиз ҳам келинг, кўринг ва завқланинг.



ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ

аниқланиб, келгусида шартномалар имзолаш мақсадида алоқа учун маълумотлар алмашилди.

Шунингдек, тўқимачилиқ, қандолатчилик, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ва кимёвий воситалар соҳасида фаолият юритаётган 20 га яқин экспортчиларнинг махсулотларининг тақдимотлари ўтказилди.

— Уюшмамиз хорижий давлатлар импортерлари билан юртимиз экспортчиларининг доимий мулоқотини таъминлайди, — дейди Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси раиси Мурод Умаров. — Беш кунлик анжуманда экспортчиларимиз ўз махсулотларининг онлайн кўргазмасини илк бор ташкил этди. Мамлакатимиз бизнес вакиллари ўз товарлари тўғрисида батафсил маълумот бериб, бир йўла шартнома имзолашларига ҳам имконият яратилди. Бизнес форум ҳамкорлик ва сифатли махсулот чегара билмаслигини яна бир қарра намоён этди.



Тарихий қадамжолар



ХОЖАИ ЖАҲОН...

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мустақиллик ўзбек халқининг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Истиқлол шарофати билан юртимизнинг ҳақиқий тарихи, халқимизнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари қайтариб берилди. Айниқса, янгиланаётган Ўзбекистонда сўнгги йилларда маърифий исломни ривожлантириш, буюк алломалар илмий-диний меросини оммалаштириш, зиёратгоҳларини обод қилишга қаратилаётган эътибор халқро миқёсда тан олинмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича нуфузли халқаро ташкилот — ISESCO томонидан 2020 йилда Бухоро шахрининг Исломи олами маданияти пойтахти деб эълон қилингани ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир.

Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги “Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг 915 йиллиги ва Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида юбилейлари халқро миқёсда нишонлаш назарда тутилган эди.

Бухоролик тарихчилар Азалшоҳ Ҳамроев ва Мавлуда Раҳмонованинг “Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси: тарихи, бугунги куни ва истиқболлари” номли янги рисоласи нашр этилгани давлатимиз раҳбари кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги ишлардан биридир.

Ушбу рисола муаллифларнинг 25 йиллик меҳнатлари самарасидир. У хожাগон тариқатининг асосчиси, етти буюк пирнинг биринчиси — Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг табаррук зиёратгоҳлари ва бу ерда

Бухоролик тарихчилар Азалшоҳ Ҳамроев ва Мавлуда Раҳмонованинг “Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси: тарихи, бугунги куни ва истиқболлари” номли янги рисоласи нашр этил

Мирзо Улуғбек томонидан бунёд этилган мадрасанинг тарихи, унинг яқин ўтмишдаги ва бугунги кундаги ҳолати ҳақидадир.

— Китобни ёзишда Мир Муҳаммад Амин Бухорий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Фазлulloҳ ибн Рузбехон, Абдураззоқ Самарқандий каби ўрта аср муаррихларининг Ғиждувоний, унинг таълимоти ва мақбараси ҳақидаги маълумотларидан фойдаландик, — дейди Бухоро давлат университети тўзилмасидаги Қатагон қўрбонлари хотираси музейи директори Азалшоҳ Ҳамроев. — Шу билан бирга, турли архив суратларидан ва ҳужжатларидан фойдаланиш ҳам ишмиизга катта қўмак бўлди. Утган аср бошларида олинган суратлар, туман ҳокимлиги томонидан чиқарилган, мажмуани баъзан тузиш ва баъзида бузиш тўғрисидаги қарорлар мазмунини тарихий хронология асосида бердик.



Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси. Хазиранинг шимолий томони. Юдицкий олган сурат. 1950 йил.

Китобда ўтган асрнинг 30-50-йилларида олинган фотосурат берилган. Ғиждувоний 20 га яқин оқ-қора ва 50 зияратгоҳининг замонавий

кўринишини истеъдодли фотосуратчи Мироншоҳ Ҳазратов турли ракурсларда суратга олиб, юртимиз усталари ва меъморлари маҳорати нақадар юксак эканини кўрсата билган. У зиёратгоҳдаги бунёдкорлик ишлари кўламини ўз суратларида тўла акс эттиришга муваффақ бўлган. Китобни ўқиган, ҳатто варақлаган ҳар бир инсон янгилиниш даврида Ғиждувон тумани ҳам ўзининг янги тарихий даврига қадам қўйганига ишонч ҳосил қилади.

сирасига киради, — дейди ҳаммуаллиф Мавлуда Раҳмонова.

Етти пир зиёратлари Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуасидан бошланади. Шунга мувофиқ, бу зиёратгоҳларда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуасида янги масжид ва ёзги айвон, меҳмонхона қўрилиб, атроф ободонлаштирилгани тарихий фактлар ва суратлар асосида кўрсатиб берилган.

“Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси: тарихи, бугунги куни ва истиқболлари” китоби Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуаси ва Улуғбек мадрасасини зиёрат қилиш учун дунёнинг турли чеккаларидан ташриф буюрган сайёҳлар учун нодир библиографик нашр, дейиш мумкин.

Дилдаги гаплар

Кўшиқларида Ватанини улуғлаганда унинг бир бўлагига айлана оладиган санъаткор бошқаларни ҳам дунёда Ватандан азизроқ неъмат йўқлигига ишонтира олади. Шу маънода ҳам Ватан ҳақида шундай ёзсангки, унга муҳаббатингни юрак қонинг сиёҳ бўлиб баён этса, Ватанини шундай қуйласангки, тинглаганининг қалби қулоққа айланса, дегим келади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар РАЗЗОҚОВА юрт ҳақида қуйлар экан, Ватанини меҳрибон ота, ўзини эса унинг бахтли қизи эканини чуқур англата билади. Шунинг учун ҳам Ватанини мадҳ этгувчи кўшиқлари юртимизнинг катта-катта байрам тантаналарида жаранглаб, минглаб одамлар қалбига етиб боради. Ҳеч қачон тилдан тушмас ўша “Дугоналар бормисиз, омонмисиз” сатрларини хиргойи қилмаган ўзбек аёли бўлмаса керак. Айнан ўзбек миллий операси орқали халқимизда жаҳон операсига ҳам қизиқиш уйғота олган санъаткор билан суҳбатимиз опера санъати, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар жусусида бўлди.

Муяссар РАЗЗОҚОВА:

ХАЛҚИМИЗ АЗАЛДАН САНЪАТНИНГ
БАРЧА ТУРИНИ ҚАДРЛАБ КЕЛГАН

— Операчи бўламан деган мақсад камдан-кам инсонларда учрайди, тўғрими? Бунинг учун ўзида туғма овоз бор эканига ишониш керак, назаримда. Болаликдан оқ опера йўлидан боришга қатъий қарор қилишингизга нима туртки бўлган?

— Тўғри айтасиз. Операчи бўлиш учун, аввало, туғма овоз бўлиши керак. Операда эстрада сингари кейинчалик овозини ростлаб олиш бўлмайди. Мен 13 ёшимда ўзимда овоз борлигини пайкаганман. Ўша пайтларда радиони севиб тинглар эдим. Нафақат тинглар, балки радио орқали катта театрда айтіладиган партияларни артистларга қўшилиб қуйлар, такрорлар, нота-ларигача ёдлаб олардим. Секин-аста овозим баланд пардаларни ҳам бемалол ола бошлагач, ўзимга нисбатан ишончим ортди. Мен ҳам шулардек айта оляман-ку, операчи бўла оламан, албатта, шу санъатни танлаيمان, деган мақсадни олдимга қўйдим. Менга ўзига хос мактаб бўлгани, унинг ёрдамида тинимсиз машқ қилганим учун том маънода биринчи устозим — радио дейман. Мактабда эса Абдукарим Отажонов деган мусиқа тўғраги раҳбари бўлар эди. У киши ҳам мени рубоб билан қўшиқ айтітириб, санъатга янада қизиқтирган. Ўша кезларда Дилором Қуимова ижодини жуда яхши кўрганман. “Уч дугона”, “Олтин сандиқ” қўшиқларини севиб ижро этардим. Операчи бўлиш ниятиمنى ота-онамга маълум қилганимда эса онам раҳматлик қаттиқ қаршилиқ билдирди. Отам эса олдимга шунчаки эмас, энг таниқли операчи бўлишдек масъулиятли вазифани кўйган ҳолда мени кўплаб-қувватлади. Отанинг ишончини оқлаш янада куч бағишладими, ўзим қатнашган илк республика танловида биринчи ўринни олдим. Шундан сўнг онамда бироз ишонч уйғонди. Шунда ҳам “халқро танловларда ғолиб бўлсанг, тан оламан”, деди. Секин-аста халқро танловларда ҳам лауреат бўла бошладим. Консерваториядаги биринчи устозларим — Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова ҳамда немис педагоги Розалинда Лаут. Бири ўзбек миллий операсини ўргатган бўлса, иккинчиси мени жаҳон операсига олиб кирган. Бугунги ютуқларимда уларнинг хиссаси катта. Ана шундай таниқли операчилар, буюк устозларим менга ишонч билдиргач, ота-онам ҳам мени астойдил қўллаб-қувватлай бошладим.

— Сиз консерваторияга ҳужжат топширган пайтларда ўзбек қизлари опера йўналишига топширмас экан. Шунда ҳам фикрингиздан қайттиш нияти бўлмаганими ёки, аксинча, ўзбек қизи ҳам бунга қодирлигини кўрсатиб қўйишдек қатъият куч берганими сизга?

— Биласизми, нафақат ўзбек қизлари йўқ, балки ўзбек гурӯҳи ҳам йўқ эди. Нега шундай жаҳон санъати йўналишида қизлар ўқимас экан-а, деб ажабланганман. Мен ўқийман барибир, деганман, чуқки ёшлиқда ўз айтганимдан қайтмайдиган, ўжаргина эдим. Қайтиб кетиш ҳақида заррача ўйламаман ҳам. Дарсларнинг барчаси рус тилида бўлишини эшитсам-да, хавотирга тушмадим. Қишлоқ жойдан, оддий мактабдан келганман аслида, рус тилини яхши билмайман. Хайриятки, бу жиҳат муаммо бўлмади. Тилни олти ойда ўрганиб кетдим. Мен фақат биргина муаммо — овозимни янада чиниктириш, операчи бўла олишимни ота-онамга, консерваторияга, Ўзбекистонга, бутун жаҳонга исботлаш ҳақида ўйлар эдим. Ҳозиргача ҳам овозимни кўрсатиш, операчи эканимни исботлашдан тўхтаганим йўқ.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларида ўзбек халқига опера санъати керак эмас, опера театри фаолиятини ҳам тўхтатиш керак, деган нотўғри қарашлар юзага келган эди.

— 1992 йилда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган концертда биринчи Президентимиз ҳам қатнашган эди. Ҳар бир санъат йўналиши бўйича биздан битта, Қирғизистондан битта вакил чиққан. Ўзбекистондан мен чиқиб опера айтдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, залдаги барча қирғиз томоша-

бинлари ўринларидан туриб, мени олқишлай кетишди. 2011 йилда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан мен “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Бугун эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев санъат, маданият йўналишида илгари сира бўлмаган туб бурилишларга сабабчи бўлмоқда. Қувонарлиси, опера санъатини ривожлантириш, бу борада ёшларни муносиб тайёрлаш йўлидаги меҳнатларим инobatта олиниб, жорий йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотландим. Бутун дунёда иқтисодий инқироз бўлишига қарамай, маданият, санъат соҳасини такомиллаштириш борасида қатор эзу ишлар амалга ошириляпти. Айниқса, яқинда Нукус шаҳрида опера ва бахшичиликка ихтисослашган мактабнинг фаолият бошлагани гоят қувонарли хабар бўлди. Бундай мактабларни ҳам келажақда ҳар бир ҳудудда ташкил қилиш керак. Улар консерваторияга пойдевор вазифасини ўтайди. Қолаверса, буларнинг бари ўзбек операсининг порлок келажаги учун хизмат қилади.

— Республикаимизнинг турли ҳудудларида кўплаб шогирдларингиз бор. Улар орасида айнан сизнинг изингиздан кетаётганлари борми?

— Кўплаб операчи ёшлардан кўнглим тўлмайди. Айниқса, операни тамомлаб, эстрадага ўтиб кетган, тўйларда хизмат қилиб юрган ёшларга ачинаман. Уларнинг ўрнига муқим шу йўлда кетадиган ёшлар бўлиши мумкин эди, кимларнингдир ўрнини банд қилиш керак эмас ахир. Операни танладими, охиригача шу йўлдан бориши керак.



Театрда ҳам профессионал ёшлар кам. Театр бу эстрада эмас-ку, амаллаб томошабинни рози қилиб бўлса. Унда чинакам овоз бўлмаса, томошабин келмайди.

Бугун дунё бўйлаб интернет кенг қулоқ ёзган, шиддатли техника даврида ёшларни тўғри йўналтириш, тарбиялаб олишнинг ўзи ҳам мушкул, албатта. Шу маънода ҳам шогирдларимга қаттиққўл, талабчанман. Улардек пайтимда пианинонинг олдида соатлаб шуғулланганимни мисол келтириб, ёшларни фақат фойдали юмушларга, ўз устида тинмай ишлашга ундайман.



Аммо шогирдларим орасида мен қандай йўл тутсам, айниқса, опера борасида, айнан шунини такрорлайдиганлари борлигидан қувонаман. Негаки, ёшлар келажақда мендан ўттиши аниқ.

Зулфия мукофотига сазовор бўлган шогирдларимдан Шахноза Ёқубжонова, Гулшодабеги Абдулҳакимова, айнан менинг ўрнимни босишга ҳаракат қилаётган Шоҳида Нурматова сингари қизларни ўзбек операсининг эртанги ёруғ вакиллари, дея оламан. Пандемия сабабли қолдирилган халқро танловлар бўлиб ўтса, меҳнатларимиз самарасини кўраимиз, насиб қилса. Шундай ёшларимиз юзимизни ёруғ қилиб, юртимизни дунёга танитишга ҳисса қўшадилар. Йигитлардан ҳам умидли шогирдларим кўп. Масалан, Хислатжон Комилов. Театрда бош партияларни ҳам ижро этипти айни пайтда. Хислатжон сингари муносиб шогирдларим талайгина. Фақат у ердаги танловлар адолат мезонига асосланса, уларнинг ана бир қанчаси ўша ерда ишлаш бахтига сазовор бўлади. Шунингдек, қўл остимда таҳсил олаётган Жаҳонгир Орифзонов, Отабек Ойбеков каби шогирдларимдан ҳам умидим катта. Булар келажақда жаҳон сахналарига чиқади-ган йигитлар.

Бу йил барча олийгоҳлар қатори консерва-торияга ҳам қабул квоталари оширилди. Жумладан, ҳар йили 25 нафар талаба қабул қилинади-ган опера йўналишига жорий йилда 30 нафардан зиёд талаба олинди. Айни пайтда консерватория бўйича жами 113 нафар бўлғуси операчи таҳсил олмақда. Шундан ҳам билиш мумкинки, бугун ота-оналар ҳам операни анча тушуниб етди. Бу санъат билан Ватанини дунёга танитиш мумкин экани, опера ҳам гўёки спорт каби жаҳонга кўз-кўз қилиниши кераклигини бу йўлни танлаётган ёшлар чуқур ҳис қила бошладим. Спортчиларимиз жаҳон арена-ларида мамлакатимиз қудрати, ёшларимизнинг жисмонан баркамоллигини намоён этаётган бўлсалар, операчи ёшлар жаҳоннинг буюк санъати Ўзбекистонда бугун пайдо бўлмагани, азал-азалдан халқимиз санъатнинг барча турларини эгаллашга қўл қилгани ва бугунги ёшлар санъатсевар қадимий халқнинг муно-сиб вакиллари эканини кўрсатадилар. Зеро, опера — жаҳон санъати. Мамлакатлар опера театри бор экани билан фахрланар экан, бугун ҳар томонлама тараққий этаётган Ўзбекистонга опера албатта керак. Опера театри бир эмас, 3-4 та бўлган давлатлар нуфузли саналишини инobatта олганда эса бу санъатни янада ривожлантириш, опера театрлари фаолиятини такомиллаштириш, керак бўлса, уларни янада қўпайтириш лозим бўлади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Муножат МУМИНОВА суҳбатлашди.